

## МАКТАБГАЧА ЁШДАГИ БОЛАЛАРГА МИЛЛИЙ ТАРБИЯ БЕРИШДА ҚҮЛЛАНИЛАДИГАН МЕТОДЛАР

*Гулбахор Абдуллаевна Гайназарова*

*Низомий номидаги ТДПУ Мактабгача таълим  
технологияси кафедраси мудири, п.ф.ф.д (PhD)*

*Нодира Нормўминова*

*Низомий номидаги ТДПУ Мактабгача таълим  
йўналиши З-босқич талабаси*

**Аннотация.** Ҳозирги глобаллашув жараёнларида миллий тарбия бериш масаласи долзарб муаммога айланиб бормоқда. Миллийлик - ижтимоий тараққиётнинг тадрижий тамойили натижасида йиғилган маданий қадриятлар синтезидир. Миллий тарбия - ана шу маданий-тадрижий синтезга асосланган ҳолда ёш авлодни замонавий шароитга ва келажакка мос равища шакллантириш жараёнидир: шахснинг миллийлиги ва замонавийлиги - унинг ижтимоийлашувининг маданий даражасидир. Мақолада мактабгача ёшдаги болаларга миллий тарбия бериш юзасидан олимларимиз томонидан ишлаб чиқилган миллий тарбия методлари ҳақида фикр билдирилган.

**Калит сўзлар.** Миллий тарбия, маънавий қадриятлар, ривожланган бола, миллий ўзлигини англаш, маънавий хазина, тарбия методлари, ижтимоий ҳаёт

Маълумки, мактабгача ёшдаги боланинг онгига сингдирилган билим ва маънавий қадриятлар унинг келгусидаги ҳаётини белгилаб бериши сабабли ўзаро ва оиласидаги муносабатлар, яқин кишиларга ғамхўрлик қилиш, болалар тарбиясида миллий тарбия усуллари ва замонавий педагогларнинг илгор ютуқларидан самарали фойдаланиш, уйғун ривожланган бола шахсини шакллантиришда муҳим аҳамиятга эга.<sup>1</sup>

Муқаддас “Қуръони Карим”да, “Ҳадиси Шариф”да, Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Кайковус, Юсуф Хос Хожиб, Алишер Навоий ва Ҳусайн Воиз Кошифий каби Шарқ алломаларининг асарларида шахс камолоти, гўзал хулқли инсоннинг чиройли фазилатлари, эзгуликка ва бунёдкорликка йўғрилган ғоя ва мафкуралар асосида ёмондан, ёмон ишлардан ҳазар қилиш, ёмон ишлар қилгувчиларни тўғри йўлга солиш, соғлом бўлмаган хулқ эгаларини Оллоҳ ҳам, замон ҳам, жамият ҳам кечирмаслиги боис, шахсни келажакда ҳар хил ёмон, ёвуз йўллар, бузғунчи фикр ва ғояларга чалинмаслиги учун баркамол қилиб тарбиялаш юзасидан қимматли фикрларни илгари сурганлар.

<sup>1</sup> Усманова С.Э. МАКТАБГАЧА ЁШДАГИ БОЛАЛАРНИ МИЛЛИЙ ТАРБИЯ АСОСИДА МАЪНАВИЙ-АХЛОҚИЙ СИФАТЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ. Таълим ва инновацион тадқиқотлар (2021 йил №1)

Агарда миллий тарбия эътиборсиз қолдирилса, стихияли тарзда кечса, халқнинг миллий ўзлигини англаш даражаси, миллий ғурури, маданияти, ватанпарварлик даражаси сусая боради. Миллий тарбиянинг манбаи - миллийликдир!. «Миллат», «миллийлик», «миллий ғуур», «миллий одоб», «миллатларо муроқот маданияти» тушунчаларининг ўзагини арабча «мил» сўзи ташкил қиласиди. Бу сўз арабчада «ўзак», «'туб моҳият», «негиз» маъноларини англатади. «Миллат» сўзи эса бир неча маънони; 1) дин: мазҳаб; 2) уммат: бир мазҳабга мансуб аҳоли; 3) халқ маъноларини англатади.

Миллийлик - ижтимоий тараққиётнинг тадрижий тамойили натижасида йифилган маданий қадриятлар синтезидир. Миллий тарбия - ана шу маданий-тадрижий синтезга асосланган ҳолда ёш авлодни замонавий шароитга ва келажакка мос равишда шакллантириш жараёнидир: шахснинг миллийлиги ва замонавийлиги - унинг ижтимоийлашувининг маданий даражасидир.

А.Қодиров, М.Қуронов ҳаммуалифлигига яратилган “Бахтли бола маънавияти” номли методик тавсияда ўзбек халқининг ўз фарзандларида ижобий фазилатларни ривожлантириш, салбий хулқ атворларни бартараф қилиш мақсадида қўлланилиб келинаётган миллий тарбия методлари тавсия қилинади. Уларнинг айримларини кўриб чиқамиз.

1. Айбламоқ - болани қилган гунохи, хатоси учунadolатли равишида айбли деб топмоқ ва боланинг буни англашига эришмоқ.

2. Аразламоқ - қилган салбий қилифи учун болани айбситиб, ундан гина қилиб юрмоқ ёки тарбиявий мақсадда вактинча юз ўгирмоқ.

3. Бахоламоқ - бола хулкига унинг аҳамияти, қадр, қиймати ҳақида ижобий ёки салбий фикр билдиromoқ.

4. Гиргиттон бўлмок - меҳрибонлик билан, "айланай", "ўргилай" сўзларини ишлатиб, исмига "жон", "хон" қўшиб болани эркалаш.

5. Ёрилмок - боланинг сиздан ноўрин хафалигини билгач, танҳо қолдириб, асл мақсадингиз - унинг муваффақияти эканлигини айтишингиз. Хайриҳоҳлик, самимийлик бу усулга муваффақият келтиради.

6. Иноклашмок - бола билан яқин, дўстона муносабат боғламоқ, ахиллашиб кетмоқ.

7. Кафил бўлмоқ - бола билмай, адашиб хатога йўл қўйган чоғда унинг яхшилиги ҳакида бошқалар (жамоа, тенгдоши, тарбиячи, ота-она)ни ишонтириб, бола учун масулиятни ўз устига олмоқ.

8. Кенгашмок - бола билан оила, гурух, ёки унинг ўзи олдида турган муаммони биргалиқда мухокама қилмоқ.

9. Койимоқ - жазо беришнинг енгил тури. Болага танбехловчи сўз айтмоқ, танбех бермоқ, дакки бериб қўймоқ.

10. Кузатмоқ - гурух ахлининг, ҳар бир боланинг хулқ-атворини зимдан караб, текшириб турмок, кўздан кечирмоқ, қайд қилмоқ.

11. Кўрсатмок - болага, болаларга ёки ибрат олишлари ёки уларда янги тушунча, билим, кўнишка, малака, компетенция хосил килиш мақсадида бирор жараён, ҳаракат, нарсага диққат этиборларини жалб қилиш.

Шу билан бирга болага тарбиявий таъсир ўтказишнинг салбий методлари ҳам келтирилади.

1. Алдамоқ - ёлғон-яшиқ гаплар билан, вадалар билан аврамоқ, лақиљлатмок.

2. Бачканалашмоқ - тарбиячи ота-онанинг катталарга, улуғларга номуносиб қилиқлар, хатти-ҳаракатлар қилиши.

3. Гиж-гижламоқ - болаларни томонларга бўлиб, бир-бирига қарши оёқлантириб, тезлаб, улар орасидаги зиддиятни кучайтиromoқ; низони авж олдирмоқ, олқишлиамоқ.

4. Гина қилмоқ - болага нисбатан дилда хафалик, кек сақламоқ.

5. Ёмонламоқ - боланинг олдида ёки орқасидан уни ёмонлаб, ёмонга чиқариб, қоралаб гапирмоқ.

6. Зарда қидмоқ - болага хадеб зарда, жахл қилавериш.

7. Зорланмок - болалар қошида бирор нарсадан, вазиятдан нолимоқ, шикоят қилмоқ, ношукрлик хасад қилмоқ, ночорликни намоён қилмоқ.

8. Мажбур қилмоқ - хеч бир асоссиз боланинг, гуруҳнинг муносабати билан хисоблашмай, амр, зўрлик билан ёки бирор нарса такозоси билан бир ишни килишни буориш, кур-курона талаб.

9. Низо - болалар орасида ўзаро келишмовчилик ёки қарама-қаршилик, душманлик, адватли муносабат, ихтилоф, нифоқ хосил қилиш.

10. Сукоқ - болани ёмон, уят сўзлар билан уришмоқ, хақорат қилмоқ. (одатда, бу усул сўқилувчининг сўкувчига бемехрлигига олиб боради).

Миллий тарбиямиз ўзининг бой маънавий хазинасига эга. Шуни унутмаслик керакки, мактабгача ёшдаги болаларда шахснинг энг муҳим маънавий-ахлоқий сифатлари таркиб топади, характер белгилари хосил бўлади. Бу ишда тарбиячи алоҳида ўрин тутади. Бу иш болаларнинг турли фаолиятлари: ўйин, меҳнат машғулотлари, болаларни ижтимоий ҳаёт, жонажаон табиат ходисалари билан таништириш жараёнида амалга оширилади. Агар мактабгача таълим ташкилотларида болаларнинг ҳаёти турли фаолият турлари билан ташкил этилса, улардан болалар қизиқарли янгиликларни билиб оладилар, малака ва кўнишкалар хосил қиласилар. Тарбиячилар эса ана шу фаолиятдан унумли фойдаланиб, уларда ижобий фазилатларни, қизиқиш ва фойдали одатларнинг барқарорлигини тарбиялашда фойдаланишлари мақсаддага мувофиқ бўлади.

## Фойдаланилган адабиётлар

1. Қодиров А., Қуронов М. ва бошқ. Бахтли бола маънавияти. 3-7 ёшли болаларни маънавий тарбиялаш бўйича қўлланма. “Samo-standart”, Тошкент-2018 йил. 263 бет
2. Жабборов Х. Х. МИЛЛИЙ ТАРБИЯНИНГ ҚАДИМИЙ ВА ЗАМОНАВИЙ ИЖТИМОИЙ-ПСИХОЛОГИК ОМИЛЛАРИ. Таълим ва инновацион тадқиқотлар. Education and innovative research 2022 у. №9 2022.9.09.037
3. Усманова С.Э. МАКТАБГАЧА ЁШДАГИ БОЛАЛАРНИ МИЛЛИЙ ТАРБИЯ АСОСИДА МАЪНАВИЙ- АХЛОҚИЙ СИФАТЛАРИНИ ШАКЛАНТИРИШ. Таълим ва инновацион тадқиқотлар (2021 йил №1)
4. Gaynazarova, G. A., & qizi Gulomiddinova, A. K. (2024, March). MILLIY XALQ O‘YINLARINING BOLALAR HAYOTIDA TUTGAN O‘RNI. In Proceedings of Scientific Conference on Multidisciplinary Studies (Vol. 3, No. 3, pp. 54-58).
5. Gaynazarova, G. A., & Bahronovna, I. Z. (2023). MEDIASAVODXONLIKNING YOSH AVLOD MA’NAVIYATIGA TA’SIRI. WORLD OF SCIENCE, 6(11), 123-128.
6. Gaynazarova, G. A., & Olimjonova, N. (2023). MAKTABGACHA YOSHDAGI BOLALARDA IJTIMOIY MOSLASHUV KO ‘NIKMALARINI SHAKLLANTIRISH. Лучшие интеллектуальные исследования, 8(1), 65-72.
7. Gaynazarova, G. A. (2023). OTA-ONA QARAMOG‘IDAN MAHRUM BO’LGAN BOLALAR MA’NAVIYATIDA IJTIMOIY MUHITNING TA’SIRI. " GERMANY" MODERN SCIENTIFIC RESEARCH: ACHIEVEMENTS, INNOVATIONS AND DEVELOPMENT PROSPECTS, 9(1).
8. Ibraimov, X., & Gaynazarova, G. (2023). THE CONTENT OF PREPARING STUDENTS FOR PROFESSIONAL ACTIVITY IN THE PROCESS OF INDIVIDUAL EDUCATION. Science and innovation, 2(B12), 330-333.
9. Гайназарова, Г. А. (2023). ИНДИВИДУАЛ ТАЪЛИМ-ТАЛАБАЛАРНИ КАСБИЙ ФАОЛИЯТГА ТАЙЁРЛАШНИНГ МУҲИМ ВОСИТАСИ СИФАТИДА. Лучшие интеллектуальные исследования, 8(1), 36-40.
10. Хурвалиева, Т. Л. (2022). БОЛАЛАРНИНГ ИЖТИМОИЙ МУҲИТГА МОСЛАШУВИДА ПСИХОЛОГИК ҲИМОЯЛАНИШ МУАММОЛАРИ. Academic research in educational sciences, 3(12), 661-667.
11. Khurvalieva, T. L., Nosirova, R. K., Khamidovna, N., & Maripova, M. J. A. (2022). Possibilities of Using Art Therapy in Preschool Education. Ann. For. Res, 65(1), 5842-5848.
12. Eshchanova, G. (2022). SOCIALIZATION OF REFORMS IN THE SYSTEM OF PRESCHOOL EDUCATION. Science and Innovation, 1(8), 561-564